

“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Ташаббускор

(имзо): _____

«___» _____ 2021 й.

БИЗНЕС РЕЖА

**БАНК ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ
МАБЛАҒЛАРИ ХИСОБИДАН
МЕХМОН УЙИ ФАОЛИЯТИНИ
ТАШКИЛ ЭТИШ ХАМДА
ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ЛОЙИХАСИ**

ЛОЙИХАНИНГ ҚИСҚАЧА ШАРХИ

Лойиҳанинг қисқача мазмуни:	
Лойиҳа ташаббускори:	
МЧЖ раҳбари (Паспорт маълумотлари):	
ОК нинг рўйхатдан ўтган санаси	
МЧЖ нинг фаолият манзили:	
Банк реквизитлари:	
Банк	
Хисоб раками	
МФО	
СТИР	
Лойиҳа суммаси	133 467 350 сўм
Кредит маблағлари хисобидан 100%	133 467 350 сўм
Шахсий маблағи 0 %	
Кредит шартлари:	
Кредит муддати	3 йил
Кредитнинг йиллик фоиз ставкаси	14 %
Кредитнинг имтиёзли муддати	6 ой
Лойиҳанинг самарадорлик курсаткичлари	
Соф фойда	1 йилда – 565 880 861 сўм 2 йилда – 614 619 699 сўм 3 йилда – 736 023 268 сўм
Лойиҳанинг соф рентабеллиги	44 %
Лойиҳанинг тўла ўзини оқлаш муддати	3 йил
Яратиладиган янги иш ўринлари сони	6 та

КИРИШ

Ўзбекистон давлати мустакилликка эришгач ўз олдига “*бозор иктисодиётига асосланган, очик ташқи сиёсатга эга бўлган кучли хукукий – демократик давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиши*”дек олий мақсадни кўзлаб, ўзининг янги тараққиёт йўлини белгилаб олиб, ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиш борасида ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда тадбиркорликка жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 апрелдаги “Соғлиқни сақлашда хусусий секторни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2863-сонли Президент қарори, 2017 йил 17 январдаги “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки обьектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4933-сонли, 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли, 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли Президент фармонлари, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли Президент қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 майдаги “Давлатга тегишли обьектларни ва активларни хусусий мулк қилиб сотишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Вазирлар Маҳкамасининг 295-сонли қарори 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли, 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли қарорларини келтиришимиз мумкин.

Республикамизда сўнгги йилларда тадбиркорликка жуда катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг яққол мисоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 июндаги ПФ-5087-сонли, 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сонли, 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сонли Президент фармонлари, 2017 йил 7 февралдаги ПҚ-4947-сонли Президент қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли, 2015 йил 7 октябрдаги 285-сонли, қарорлари, 2019-йилни “**Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили**” деб элон қилингани юртимиздаги барча тадбиркорларга имконият ва шароитлар яратиш, маҳсус давлат дастурларини кабул килиш ва амалга ошириш, мамлакатимизда, шу жумладан кишлокларда ахолини тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси билан таъминлаш борасида олиб борилган ишларнинг накадар тугри эканлигини тан олган Россия Федерацияси, Козогистон ва бошқа мамлакатларнинг бизнинг

мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий сиёсат тажрибасини биздан куриб уз мамлакатларида куллаётганлиги, бу масалаларга якин йиллардан бошлаб эътибор берилаётганлиги ва иш олиб бораётганлиги бунинг яккол далилидир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги ПФ-4848-сон “**Тадбиркорлик фаолиятинининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни хар томонлама химоя қилишга ва ишбилиармонлик мухитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида**”ги Фармонининг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий говлар ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан белгиланган йўлнинг узвийлиги ва изчилигини таъминлаш имконини беради.

Дунёнинг купгина тараккий топган, бугунги кунда барқарор ривожланиб келаётган давлатлари тажрибаси шуни курсатмоқдаки, аввало, узининг хусусий мулкига эга булган шахс ва бундай шахслардан иборат булган тоифа бу бойликни янада купайтириш, асраб-авайлаш, узини ва оиласини бокиш, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида булган купгина вазифаларни амалга оширишга уз хиссасини кушади. Энг мухими, уз юртида тинчлик ва осойишталикни саклаш ҳамда химоялаш учун астойдил жон куйдиради. Туристик хизматлар кўрсатиш фаолияти хам бошка барча соҳалар каби айнан мулк эгаларига-тадбиркор ва ишбилиармон инсонларга суюнгандагина тараккий этади.

Кўзланган максадга эришиш учун танлаб олинган асосий бешта принципдан иборат булган “**Ўзбек модели**” асосида ишлаб чиқилган **2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси** (Давлат важамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари, Қонун устуворлигини таъминлаш ва суд-хукуқ тизимини янада ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари, Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари, Ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чукур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлар)ни барча

мамлакатлар, шу жумладан АКШ, Англия, Франция, Германия, Россия, Хитой, Япония каби ривожланган мамлакатлар томонидан тан олиниши, давлат бюджетининг ижтимоий соҳа ва ахолини ижтимоий қуллаб-куватлашга каратилган умумий харажатлари мустакилликка эришгандан бўён 50-55 фоиз атрофида ажратилаётганлиги бунинг яккол далилидир.

Энг муҳими, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2018 йил 7 июндаги ПҚ-3777-сонли “Ҳар бир оила тадбиркор” Қарори ва 2018 йил 27 июндаги ПФ-5466-сонли “Ёшлар келажагамиз” давлат дастури қабул қилиниши ёшларга жуда кенг имкониятлар очиб бермоқда. Бу дастур асосида имтиёзли равишда ёш тадбиркорларга банк кредитлари ажратиш, бандликни таъминлаш ва иш ўрни яратиш дастурни энг олий мақсади бўлиб ҳисобланади.

Энг муҳими, бу амалга оширилаётган ишлар бир-бирини тулдириб, Ўзбекистон давлати мустакилликка эришгач ўз олдига қўйган олий максад яъни *“бозор иқтисодиётига асосланган, очик ташки сиёсатга эга булган кучли хукукий –демократик давлат ва фукаролик жамияти барпо этиши”* борасида узокни кузлаб ижтимоий сиёсатни амалга оширмоқда. Бу эса мамлакатимизнинг тинчлигини, осойишталигини, баркарорлигини ва тараккиётини таъминламоқда.

ЛОЙИХАНИНГ УМУМИЙ ШАРХИ

Ушбу бўлимда лойиха ҳақидаги батафсил тўхталиб ўтилади. Жумладан, лойиҳанинг самарадорлиги, танланишининг асосий сабаблари ва параметрлари, кўзланган мақсадлар асосланиб ташкилотчилар ва лойиҳанинг қисқача мазмуни ҳақида маълумот берилади.

Ушбу лойиҳанинг асосий мақсади юртимиз иқтисодий ривожига ҳисса қўшиш, бўш иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, замонавий ва сифатли туристик хизматлар кўрсатиш ҳисобланиб, ажратиладиган кредит маблагларига Самарканд вилояти, Самарқанд шаҳри, Шахрисабз кўчаси 30-ўйда курилган меҳмон уйи фаолиятини ривожлантириш жихозлаш ҳамда маҳаллий ва хорижий меҳмонларга туристик хизматлар кўрсатишни назарда тутади.

Мехмонхона 30 кишига мўлжалланган хона ташкил этилган бундан ташкири меҳмон уйи меҳмонлар тановул қилишлари учун эрталабга нонушта тайёрлаб беришни хам режалаштирган.

Туристларни ўзбек маданияти билан яқиндан танитириш, уларни ҳақиқий ўзбек урф одатлари ичида ҳис қилишлари учун меҳмон уйи ички қисми миллий усулда жихозланади ва миллий ананаларимизни акс эттирадиган экстериер ва интериерлар билан жихозланади. Бу эса меҳмонларнинг мароқли дам олишларини таъминлайди. Миллий ва хорижий таомлардан иборат ресторон ташкил этиб, меҳмонларга замонавий хизмат кўрсатилади. Буларнинг ҳаммаси меҳмонларнинг мароқли ва мазмунли дам олишларини таъминлайди.

Ташаббускор лойиҳани амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларни АТ “Микро кредит банк” нинг имтиёзли кредитлар хисобидан амалга оширилиши режалаштирилган бўлиб, қисқа муддатда ўз фаолияти рентабеллиги юқори бўлган, тез қопланадиган, замонавий ва самарали бизнес фаолиятига эга бўлган бутунлай янги корхонага айлантиришни режалаштирилган.

Вилоятимиз худудида меҳмонхоналарнинг кўплиги, ҳалқимизга ва туристларга хизмат қилаётганлиги диққатга сазовор. Тадбиркорнинг мақсади очилиши кўзда тутилаётган меҳмон уйи сифатли ва арzon хизматлар таклиф қилинади.

Ташаббускор томонидан олиб борилган изланишлари натижасида нафақат вилоятимиздаги балки республикамизда сўнгги йилларда сифатли туристик хизматларга бўлган талаб юқорилиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Мавжуд талаблардан келиб чиқсан холда замонавий талаб даражасидаги сифатли хизмат кўрсатиш фаолиятини давлатимизда ташкил этиш ва уни арzon нархларда аҳолига таклиф қилиш, ҳалқимизнинг манфаатларига хизмат қиласди. Тадбиркор янгидан барпо этилган замонавий куринишдаги барча кулийликларга эга булган бинода хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланишни ўз олдига максад қилиб куйди.

Тажриба шуни курсатмокдаки, аҳолига сифатли туристик хизматлар кўрсатиш ҳажми юқори бўлишига қарамасдан харидорларнинг, айниқса туристларнинг сони кундан-кун ортиб бормокда. Вилоят худудида эгалланган мавкейини республика миқёсида мустахкамлаш ва кенгайтириш, ўз хизматлари билан энг таниқли коппаниялардан бирига айланиш максадида тадбиркор асосий эътиборни юкори сифатли ва ҳалқоро стандарт талабларига жавоб берадиган хизматларни таклиф қилишни ўзининг асосий вазифаларидан бири деб хисоблайди.

Бугунги кунда мемон уйи биноси тўлиқ қурилган ва қўшимча жиҳозлаш ишлари учун 133 467 350 (бир юз ўттиз уч миллион тўрт юз олтмиш етти минг уч юз эллик) сўм миқдорида “Микро кредит” АТБнинг имтиёзли кредитини олишни ва ушбу маблағларни максадли сарфлашни қўзда тутади.

Лойиха уч боскичда амалга оширилиши қўзда тутилган:

1 БОСКИЧ – Тайергарлик ишларининг ташкил этилиши

Вакт оралиги: 1 ой.

Килинадиган ишлар: Кредит хужжатларини тайёрлаш, фаолиятни кенгайтириш ва ривожлантиришнинг иктисадий асоси хисобланган бизнес – режани ишлаб чикиш ва банк кредитини узлаштириш учун зарурий булган бошка тайергарлик ишларини амалга ошириш.

2 БОСКИЧ: Кредитни узлаштириш.

Вакт оралиги: 1-2 ой

Килинадиган ишлар: Банк томонидан ажратилган кредит маблагларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ва ушбу маблаг хисобидан амалга оширилиши кузда тутилган ишларни тулик амалга ошириш. Махсулот етказиб берувчиларни аниклаш, керакли маҳсулотлар харид қилиш ва жиҳозлаб иш фаолиятини ташкил этиш. Режалаштирилаётган фаолиятни тулик ишга туширилиши учун барча имкониятларни яратиш.

3 БОСКИЧ: Нормал иш фаолиятининг йулга куйилиши.

Килинадиган ишлар: Тулик тижорат фаолиятини йулга куйилиши ва кредит маблагларини кайтариш учун узлуксиз хизмат кўрсатиш фаолияти билан шуғулланиб, олтмиш ой давомида кредит маблагларидан тулик кутилиш.

ЛОЙИҲАНИНГ МАРКЕТИНГ ТАҲЛИЛИ


Маълумки туристларга ва маҳаллий аҳолига меҳмонхона ва қўшимча туристик хизматлар кўрсатиш лойихаси муваффақиятли амалга ошиши кўп жиҳатдан аҳолининг ижтимоий-иқтисодий аҳволининг яхшилиги, турмуш фаровонлиги ва мамлакатнинг туристик салоҳияти билан чамбарчас боғлик. Туризмнинг ривожи эса Республиканинг, хусусан минтақанинг иқтисодий-ижтимоий ривожланишига боғлиқдир.

Тадбиркор томонидан олиб борилган маркетинг изланишлари натижасида юртимизда туризмнинг кундан-кунга ошиб бораётганлиги ва бунинг натижасида меҳмонхоналарга ва туристик хизматларга бўлган талаб ошиб бораётганлиги, бугунги кунда бундай хизматларга бўлган талаб юқори эканлиги аникланди ва тадбиркор мавжуд талабдан келиб чиққан ҳолда аҳолини талаби қондириш мақсадида ҳар хил турдаги туристик хизматларни таклиф қилиш лойихасини ташкил этиш ҳамда кенгайтиришни ўз олдига максад килиб қўйди.

Хизмат кўрсатиш экспортини янада ривожлантириш максадида дунёning энг йирик www.booking.com, www.tripadvisor.com ва бошқа шунга ўхшаш онлайн савдо майдони оркали хорижий меҳмонларни жалб қилишдан иборат.

Натижада куйидаги кўрсаткичларини ташкил килади;

СЕГМЕНТЛАРНИ АНИКЛАШ



- 1) Маҳаллий меҳмонлар*
- 2) Бошка вилоятлардан ташириф буюрадиган меҳмонлар*
- 3) Хорижий меҳмонлар*

Ракобатчилар таҳлили

Жадвал № 1

Ракобатчилар номи	Давлат номи	Нархи	Хизмат кўрсатиш қуввати
Вилоятимиздаги ушбу фаолият билан шугулланувчи тадбиркорлар	Ўзбекистон	Урта	

МАРКЕТИНГ МАЖМУИ «4Р»

Жадвал № 2

<i>Produkt-Mахсулот</i> Сифатли, экспортбоп туристик хизмат кўрсатиш	<i>Price-нарх</i> Нарх ҚЎЙИШ тамойили харидорларнинг талабидан Келиб чикиб белгиланади.
<i>Place-Жой</i> Бизнес худуд-корхона Самарқанд вилояти, Самарқанд шаҳрида хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга оширади. Ушбу манзилдан Ўзбекистон ва хорижий давлатлардан меҳмон кутиб олиш имконияти мавжуд.	<i>Promotion -Ҳаракатланиши</i> Тадбиркор ўз пештахта, афишалар, телевидения оркали реклама ва «Booking.com» ва бошқа расмий веб сайтлардан мижозни ўзига жалб этади.

БОЗОР ТАЛАБИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

Потенциал талаб сифатида ахолининг ва хорижий меҳмонларнинг ушбу хизмат кўрсатиш фаолиятига бўлган талабга айтилади. Ушбу хизмат кўрсатишга эҳтиёж ва талабнинг юқори бўлиши худуддаги ижтимоий аҳволнинг яхшиланиб бориши ва аҳоли даромадларининг ўсишига ҳамда хорижий меҳмонларни ушбу мамлакатга бўлган қизиқишига боғлиқ бўлиб, бугунги кунда арzon нархли ва сифатли хизмат кўрсатишга талаб катта.

Потенциал талабга куйидаги омиллар ўз таъсирини утказади:

- 1) Бозорда таклифнинг талабдан кам булиши (хизмат дефицити) – яъни таклифнинг хаддан зиёд камайиб кетиши талабнинг кескин кўтарилишига, ахолининг дефицитга айланган хизматга эътибори ва интилиши ошишига олиб келади.

2) Ахоли турмуш даражаси – яъни ахоли турмуш даражасининг яхшиланиб бориши потенциал талабнинг ошишига ва аксинча турмуш даражаси ва ижтимоий ахволнинг ёмонлашуви потенциал талабнинг камайишига сабаб булади.

3) Ижтимоий сиёсат – ижтимоий ҳимоянинг яхшиланиши ва ижтимоий мухитнинг барқарорлиги потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир қиласиди.

4) Инфляция даражаси – инфляция ёки дефляция даражасининг кескин ошиши ёки тушуши потенциал талабга тўғри мутаносиб равишда таъсир кўрсатиши мумкин.

5) Юқоридаги омилларга ухшаш яна кўплаб сиёсий ахвол, иқтисодий танглик ва мафқуравий ўзгаришлар, уруш ва форс – мажор ҳолатлар, технологик ўзгаришлар ва глобаллашув ва интеграция жараёни, табиий оғатлар хам потенциал талабнинг ўзгаришига ўз таъсирини ўтказиши мумкин.

РАҚОБАТБАРДОШЛИКЛАРНИ ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ ВА РАҚОБАТ СИЁСАТИНИ АНИҚЛАШ

Бугунги қунда Самарқанд вилоятида 1000 га яқин меҳмонхоналар фаолият юритиб келмоқда. Корхонанинг асосий рақобатчилари қуидагилар ҳисобланади:

- «TRIP.LE GUEST HOUSE» Мехмон уйи;
- «GUEST HOUSE FIRUZA» Мехмон уйи;
- «GOLDEN STAR GUEST HOUSE» Мехмон уйи;
- « STORIES GUEST HOUSE » Мехмон уйи;
- ва бошқа Мехмон уйлари.

Корхонанинг рақобатбардошлигини ошириш учун нархларни нисбатан пасайтириш, сифатли хизмат кўрсатиш, меҳмонларнинг ҳар қандай талабига жавоб берадиган ресторон фаолиятини ташкил этиш, маданий ҳордик чиқаришлари учун ҳар хил турдаги маданий дастурларни ташкил этиш, қизиқарли ўйинлар ва базмларни ташкил этишини режалаштирган.

SWOT ТАҲЛИЛИ

Жадвал № 3. Хизмат кўрсатиш фаолиятига таъсир этувчи омиллар таҳлили

Афзалликлар (Strengths)	Заифликлар (Weaknesses)
<ul style="list-style-type: none"> ✓ Нархнинг нисбатан пастлиги. ✓ Мақсад аниқлиги ва мақсад сари интилувчанлик ✓ Кредит фоизларининг нисбатан солиштирма пастлиги ва солиқ имтиёзларининг мавжудлиги ✓ Рақобатбардошлилик ✓ Ривожланиб бораётган инфратузилмаларга яқинлик. 	<ul style="list-style-type: none"> ✓ Ташқи омилларга таъсирчанлик ✓ Харидорлар ишончини ва хизмат кўрсатиш куникмасини шакллантиришда юзага келадиган қийинчиликлар ✓ Дастребаки босқичда қаттиқ рақобатга таъсирчанлик
Имкониятлар (Opportunities)	Тусиқлар (Treats)
<ul style="list-style-type: none"> ✓ Четдан кушимча инвестициялар киритиш имкони мавжудлиги ✓ Туристлар ва зиёратчилар сони қўплиги ✓ Нарх эгилувчанлигидан (камайтириш ва қупайтириш потенциали мавжудлигидан) фойдаланиш ва. х.к. 	<ul style="list-style-type: none"> ✓ Ўзага келиши мумкин булган фирром рақобат ✓ Дастребаки вақтда хизмат кўрсатишни ташкил этишда юзага келадиган қийинчиликлар. ✓ Ва. х. к..

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ РЕСУРСЛАРИГА ЭҲТИЁЖ

ЛОЙИХАНИНГ ИШЧИ РЕСУРСЛАРИ ЭҲТИЁЖИ

Ушбу лойиханинг ишчиларга булган талаби 6 кишини ташкил қиласди.

Ишчиларининг иш вакти 8 соатлик ҳафтасига 7 иш куни тартибида ташкил этилиб, эрталаб соат 9:00 дан кеч соат 18:00 гача (тушлик 13:00 дан 14 :00 гача) иш вакти хисобида булади.

Корхона хизмат кўрсатиш фолиятини амалга ошириб, ишчи ва ходимларига бир ойда **7 700 000** сўм ва бир йилда **92 400 000** сўм иш ҳаққи беришни режалаштирган.

ЛОЙИХАНИНГ ЭНЕРГИЯ РЕСУРСЛАРИГА БЎЛГАН ТАЛАБИ

Самарқанд шаҳар Шахричабз кўчаси 30-уй манзилда барча коммунал тармокларга уланишга қулай бўлиб, сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар мавжуд. Жихозланиши режалаштирилаётган ушбу Мехмон уйи транспортлар катнови йулга куилиб, қулай жойда жойлашган. Хизмат кўрсатиш учун электр энергияси, газ ва сув таъминотидан фойдаланилади. Бунда коммунал харажатлар уртacha йиллик **31 968 000** сўмни ташкил киласди.

СОЛИКЛАР ВА БОШКА ЙИГИМЛАР

Лойихага асосан солик туловлари асосан уч турда булиб, бири ишчилар иш хакидан солик туловлари ва иккинчиси тадбиркорлик фаолияти билан шугулланганлик учун ягона солик ва хорижий мехмонлар учун хар бир мехмонга тўланадиган туристик йифим туловидан иборат. Барча солик туловларининг хисоби молиявий булимда келтирилган.

БЮДЖЕТ ТУЛОВЛАРИ ХАКИДА МАЪЛУМОТ

Жадвал № 5.

Тулов тури	1- йил	2- йил	3-йил
Ягона ижтимоий тўлов (ишчиларнинг иш ҳақига нисбатан) 12%	11 088 000	12 196 800	14 026 320
Ягона солиқ тўлови 4%	51 732 000	56 905 200	65 440 980
Туристик йифим (1 киши учун 2 АҚШ доллари эквивалентида)	26 524 800	29 177 280	33 553 872
Жами:	89 344 800	98 279 280	113 021 172

Тадбиркор йилига **89 344 800** сўм маблағ давлат бюджетига солиқ сифатида тўловни амалга ошириш кўзда тутулмоқда.

ЛОЙИХАНИНГ МОЛИЯВИЙ АСОСЛАРИ

ЛОЙИХАНИНГ УМУМИНВЕСТИЦИОН ҲАРАЖАТЛАРИ

Корхона кредит маблағларини қуидаги сарфлашни режалаштирган ва бу маблағларнинг тўлиқ ўзлаштирилишини ўз зиммасига олади.

Жадвал № 4. Умуминвестицион ҳаражатлар меҳмонхонани жихозлаш ишлари

№	Махсулотноми	Ўлчов бирлиг и	Сони (дона)	Режалашти- рилаётган харид нархи	Жами қиймат
1	Кондиционер INDIGO 12W	Комп	3	4 800 000	14 400 000
2	Кондиционер INDIGO 18W	Комп	3	5 600 000	16 800 000
2	Кондиционер INDIGO 24W	Комп	7	6 950 000	48 650 000
3	Телевизор INDIGO 40 W	Комп	3	4 105 000	12 315 000
4	Телевизор INDIGO 55 W	Комп	4	6 850 000	27 400 000
5	Сантехника	Комп	10	750 375	7 503 750

6	Раковина	Комп	8	799 825	6 398 600
ЖАМИ			133 467 350		

МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБААЛАРИ

Жадвал № 5. Лойиха харажатларининг молиялаштириш манбаалари

№	Номланиши	Жами харажат	Кредит хисобидан		Шахсий маблаг хисобидан	
			%	сум	%	сум
1	Кондиционер INDIGO 12W	14 400 000	100%	14 400 000	0%	
2	Кондиционер INDIGO 18W	16 800 000	100%	16 800 000	0%	
2	Кондиционер INDIGO 24W	48 650 000	100%	48 650 000	0%	
3	Телевизор INDIGO 40 W	12 315 000	100%	12 315 000	0%	
4	Телевизор INDIGO 55 W	27 400 000	100%	27 400 000	0%	
5	Сантехника	7 503 750	100%	7 503 750	0%	
6	Раковина	6 398 600	100%	6 398 600	0%	
Жами			100%	133 467 350	0	0
Ялпи инвестицион харажат						133 467 350
Харажатларни молиявий манбаалари						
<i>Кредит маблаглари хисобидан хариди режсалаштирилган мулк</i>					100%	133 467 350
<i>Шахсий маблаг хисобидан хариди режсалаштирилган мулк</i>					0%	0

ЛОЙИХА ОЛДИ ҲАРАЖАТЛАРИ

Жадвал № 6. Лойиха олди молиявий харажатлари

№	Номланиши	Хисоб базаси (сум)	Хисоб нормаси (% хисобида)	Ҳаражат суммаси
1	Хужжатларни расмийлаштириш учун нотариус тўловлари	133 467 350	%	1 000 000
2	Суғурта тўлови	133 467 350	%	2 000 000
3	Бизнес режанитайёрлаш ҳаражатлари	133 467 350	%	500 000
Жамилойихаолдимолиявий ҳаражатлари				3 500 000

Изоҳ: Лойиҳа олди молиявий ҳаражатлар тадбиркорнинг шахсий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТУРЛАРИ

Замонавий меҳмонхона фаолиятини ташкил этиб, қуйидаги хизматлар кўрсатилади:

- Мехмонхона хизмати;

Хизмат кўрсатишнинг ўртача нархи қўйидагича белгиланади:

Жадвал № 7. Хизмат кўрсатиш нархи.

Хизмат номи	Маҳаллий аҳоли учун	Хорижий меҳмон учун
дэлюкс хона	100 000 сўм	250 000 сўм
2 кишилик люкс хона	400 000 сўм	500 000 сўм

Изоҳ: Хизматлар нархлари маҳаллий аҳоли ва хорижий меҳмонларнинг талаблари асосида мақбул нархларда келтирилган бўлиб, эрталабки нонушта, бепул wifi ва кир тозалоши хизматлари ўз ичига олади.

КОРХОНАНИНГ ЙИЛЛИК ХИЗМАТ КҮРСАТИШ РЕЖАСИ
Жадвал № 8. Хизмат күрсатиши режаси

№	Хизмат күрсатиши номи	Мехмонлар сони (киши)	1 йил давомида күрсатиладиган хизмат миқдори (күн)	Шундан:	
				Маҳаллий	Хорижий
1	Дэлюкс хона	15	5 400	3 510	1 890
2	2 кишилик люкс хона	3	1 080	702	378

КОРХОНА ҲАРАЖАТЛАРИ

Жадвал № 9. Мехмонхона бир йиллик ҳаражатлари.

№	Номланиши	1 кунлик	1 ойлик	1 йиллик
1.	Озик-овқат ҳаражатлари	301 650	9 049 500	108 594 000
2.	Транспорт ҳаражатлари	50 000	1 500 000	36 000 000
3.	Санитария ҳаражатлари	50 000	1 500 000	54 000 000
4.	Концелария ҳаражатлари	25 000	750 000	18 000 000
5.	Интернет ҳаражатлари	15 000	450 000	18 000 000
6.	Хорижий веб сайтларнинг хизмат күрсатиши ҳақи ҳаражатлари (15%)	10 000	300 000	129 600 000
7.	Туристик йиғим ҳаражатлари (1 киши учун 2 АҚШ доллары эквивалентида)	73 680	2 210 400	26 524 800
8.	Бошқа ҳаражатлар	100 000	3 000 000	36 000 000
Жами:		625 330	18 759 900	426 718 800

Корхона фаолияти давомида хизмат күрсатиши учун бир йилда жами **426 718 800** сўмлик хом ашё сотиб олишни режалаштирган.

ИШЧИ-ХОДИМЛАРНИНГ МАОШИ ХИСОБИ

Жадвал № 10. Штат жадвали

№	Лавозими	Сони	Урта хисобда ойлик маош	Жами бир ойлик харажат	Жами биринчи йиллик
1.	Директор	1	2 000 000	2 000 000	24 000 000
2.	Хисобчи	1	1 500 000	1 500 000	18 000 000
3.	Reception	1	1 000 000	1 000 000	12 000 000
4.	Ишчи ходимлар	2	1 000 000	2 000 000	24 000 000
5.	Ошпаз	1	1 200 000	1 200 000	14 400 000
Жами		6		7 700 000	92 400 000

Изоҳ: Ишчи ходимларни иш хаки корхонани молиявий холатидан келиб чикиб, ўзгариб туради. Ушбу холат тадбиркор томонидан амалга оширилади.

Иш ҳақидан ойлик ажратмалари (12%) хисоб китобини куриб чиқамиз:

Жадвал № 11. Умумий иш ҳақи харажатлари

№	Номланиши	1 ой	1 йил
1.	Иш ҳақи	7 700 000	92 400 000
2.	Иш ҳақидан 12 % ажратма	924000	11088000
ЖАМИ:		8 624 000	103 488 000

Корхона меҳмонхона фаолиятини ташкиллаштириши натижасида жами 6 та янги иш ўрни яратишни режалаштирган бўлиб, фаолият ташкиллаштирилгандан кейин ишчи ва ходимларга йилига жами **103 488 000** сўм маош тўлашни режалаштирган. Бу эса ҳудуд аҳолисининг ижтимоий ахволи яхшиланишига ўз хиссасини қўшади.

КОММУНАЛ ТЎЛОВЛАР ХИСОБИ

Жадвал № 12.

№	Номланиши	Ўл. бир	Нархи	Кунлик харажат	1 кунда	1 ойда	1 йилда
1	Табиий газ	Куб м.	600	53	31 800	954 000	11 448 000
2	Электр энергияси	Квт	600	80	48 000	1 440 000	17 280 000
3	Сув таъминоти	Куб м.	600	15	9 000	270 000	3 240 000

	Жами:	88 800	2 664 000	31 968 000
--	--------------	---------------	------------------	-------------------

ЖАМИ ҲАРАЖАТЛАР ХИСОБИ

Жадвал № 13.

№	Номланиши	1-ойда (сўм)	1-йилда (сўм)
1	Хизмат таннархи	18 759 900	426 718 800
2	Маош харажатлари	7 700 000	92 400 000
3	Коммунал тўловлари харажатлари	2 664 000	31 968 000
Жами:		29 123 900	551 086 800

КОРХОНА ДАРОМАДЛАРИ

**БИР ЙИЛ ДАВОМИДА КЎРСАТИЛАДИГАН ХИЗМАТЛАРДАН ТУШГАН
ТУШУМ**

Жадвал № 14. Хорижий меҳмонларга кўрсатилган хизматдан тушган тушум

№	Номланиши	Жами банд қилинган хоналар сони (1 йиллик)	Хонанинг 1 кунлик нархи (сўмда)	1 йиллик
Маҳаллий аҳоли				
1.	Дэлюкс хона (Double)	3 510	100 000	351 000 000
2.	2 кишилик люкс хона (Double)	702	400 000	280 800 000
Хорижий меҳмонлар				
3.	Дэлюкс хона (Double)	1 890	250 000	472 500 000
4.	2 кишилик люкс хона (Double)	378	500 000	189 000 000
Жами:				1 293 300 000

КРЕДИТ МАБЛАГЛАРИНИ ҚАЙТАРИШ

Жадвал № 15.

1	133 467 350	0	1557119	1557119	133 467 350
2	133 467 350	0	1557119	1557119	133 467 350
3	133 467 350	0	1557119	1557119	133 467 350
4	133 467 350	0	1557119	1557119	133 467 350
5	133 467 350	0	1557119	1557119	133 467 350
6	133 467 350	0	1557119	1557119	133 467 350

7	133 467 350	4448912	1557119	6006031	129 018 438
8	129 018 438	4448912	1505215	5954127	124 569 527
9	124 569 527	4448912	1453311	5902223	120 120 615
10	120 120 615	4448912	1401407	5850319	115 671 703
11	115 671 703	4448912	1349503	5798415	111 222 792
12	111 222 792	4448912	1297599	5746511	106 773 880
13	106 773 880	4448912	1245695	5694607	102 324 968
14	102 324 968	4448912	1193791	5642703	97 876 057
15	97 876 057	4448912	1141887	5590799	93 427 145
16	93 427 145	4448912	1089983	5538895	88 978 233
17	88 978 233	4448912	1038079	5486991	84 529 322
18	84 529 322	4448912	986175	5435087	80 080 410
19	80 080 410	4448912	934271	5383183	75 631 498
20	75 631 498	4448912	882367	5331279	71 182 587
21	71 182 587	4448912	830464	5279375	66 733 675
22	66 733 675	4448912	778560	5227471	62 284 763
23	62 284 763	4448912	726656	5175567	57 835 852
24	57 835 852	4448912	674752	5123663	53 386 940
25	53 386 940	4448912	622848	5071759	48 938 028
26	48 938 028	4448912	570944	5019855	44 489 117
27	44 489 117	4448912	519040	4967951	40 040 205
28	40 040 205	4448912	467136	4916047	35 591 293
29	35 591 293	4448912	415232	4864143	31 142 382
30	31 142 382	4448912	363328	4812239	26 693 470
31	26 693 470	4448912	311424	4760335	22 244 558
32	22 244 558	4448912	259520	4708432	17 795 647
33	17 795 647	4448912	207616	4656528	13 346 735
34	13 346 735	4448912	155712	4604624	8 897 823
35	8 897 823	4448912	103808	4552720	4 448 912
36	4 448 912	4448912	51904	4500816	0

СОФ ФОЙДА ХИСОБИ

Жадвал № 16. Соф фойда

№	Номланиши	1- йил	2- йил	3-йил
1.	Хизматлардан тушган тушумлар	1 293 300 000	1 422 630 000	1 636 024 500
2.	Хизмат кўрсатиш харажатлари	551 086 800	606 195 480	697 124 802
3.	Ялпи даромад	742 213 200	816 434 520	938 899 698
4.	Ягона солиқ тўлови 4%	51 732 000	56 905 200	65 440 980
5.	Ялпи фойда	690 481 200	759 529 320	873 458 718

6.	ЕВИТДА	690 481 200	759 529 320	873 458 718
7.	Амортизация харажатлари	80 000 000	80 000 000	80 000 000
8.	ЕВИТ	610 481 200	679 529 320	793 458 718
9.	Кредит тўловлари	44 600 339	64 909 621	57 435 450
10.	Сой фойда	565 880 861	614 619 699	736 023 268
11.	Соф рентабеллик	44%	43%	45%

Корхона хизмат кўрсатиш фаолиятини амалга ошириши давомида биринчи йилда **565 880 861** сўм соф фойда қилишни режалаштирган, бу режалар энг кам даромад ва энг кўп ҳаражат тахминлари асосида хисобланган бўлиб, корхона амалда янада кўпроқ соф фойда кўришни режалаштирган.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 5 январдаги ПФ-5611-сонли “Ўзбекистон Республикасида туризмни жадал ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонининг амалга оширилиши мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантиришнинг асосий омили сифатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш йўлидаги маъмурий ғовлар ва сунъий тўсиқларни бартараф этиш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти томонидан белгиланган йўлнинг узвийлиги ва изчиллигини таъминлаш имконини беради.

Тадбиркор _____ томонидан лойиха суммаси кредит маблағлари хисобидан шакллантирилади.

- Кўзаланган лойиха асосида аҳолига юқори сифатли туристик хизматлар кўрсатилиб,**6 та янги иш ўрни яратилади**

Ходимларининг бир йилда иш ҳақи **92 400 000** сўмни ташкил этади

Давлат бюджетига бир йилда **89 344 800** сўм бюджет тўловлари тўланади

Хизмат кўрсатишдан тушган тушумлар бир йилда **1 293 300 000** сўмни ташкил этади.

- Тадбиркор бир йилда **565 880 861** сўм соф фойда қиласади.

Туристларга ва маҳаллий аҳолига туристик хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи корхона фаолияти даромадлилик ва самарадорлик тахлили шуни

курсатмокдаги лойиханинг биринчи йилдаги соф рентабеллик даражаси ялпи хисобда ўртача **44%** ни ташкил килмокда.

Хулоса килиб айтганда, юкоридаги маълумотларни хисобга олиб лойиха тижорий самарадор, баркарор деб бахоланади, ахолини иш билан таъминланиш даражаси ошади, бир қанча оиланинг ижтимоий ахволи яхшиланади ва фаолиятни амалга ошириш учун ер майдони ажратилиши муҳим ва мулжалланган максадлар ва стратегик режаларга эришиш имконини яратишга кодирлиги билан ер майдони олиш лозимлигини курсатиб турибди.

Бу турдаги фаолиятни жорий этиш Ўзбекистон Республикасининг бугунги кундаги сиёсатига тўла мос келади ва ривожланиш, тараққий этиш учун кенг имкониятлар яратиб бераб, худуднинг иқтисодий – ижтимоий ўсиши ва барқарорлигига ўз ҳиссасини қўшади.

Ташаббускор: _____ . _____. ____ (имзо) _____ «____» _____ 2021 й.